



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "24" mart

Қ-177 -son

Termiz sh.

**Термиз тумани "Сурхон Дўстлик Сарҳади" массиви "Солиобод" маҳалласи худудидан "ХАСАН УМИД TERMIZ" МЧЖга "Паррандачилик фермаси" қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/137-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 13 январдаги 05-сон хулосаси, Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 23 ноябрдаги 01-08/390-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н:**

1. Термиз тумани "Сурхон Дўстлик Сарҳади" массиви "Солиобод" маҳалласи худудидан "ХАСАН УМИД TERMIZ" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 19қ-дала контуридаги 4,0 гектар яйлов ер майдони 100 минг бош паррандага мўлжалланган "Паррандачилик фермаси" қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "ХАСАН УМИД TERMIZ" МЧЖ 4,0 гектар яйлов ер майдонига 100 минг бош паррандага мўлжалланган "Паррандачилик фермаси" қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 52 034 400 (эллик икки миллион ўттиз тўрт минг тўрт юз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами

014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов